

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021. Tar.05.05. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУЗИКУЛОВА МАФТУНАХОН ЮЛДАШЕВНА

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ҚЎРИҚ ЕРЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ
ВА СУҒОРИЛИШИ ТАРИХИ
(XX асрнинг 50 – 70-йиллари мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Рузикулова Мафтунахон Юлдашевна

Марказий Фарғона кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорилиши тарихи
(XX асрнинг 50-70-йиллари мисолида)3

Рузикулова Мафтунахон Юлдашевна

История освоения и орошения целинных земель Центральной Ферганы
(на примере 50-70-х годах XX века).....25

Ruzikulova Maftuna Yuldashevna

The history of reclamation and irrigation virgin lands of Central Ferghana (on the
example of 50-70-s of the XX century).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/31.03.2021. Tar.05.05. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

РУЗИКУЛОВА МАФТУНАХОН ЮЛДАШЕВНА

**МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ҚЎРИҚ ЕРЛАРИНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ
ВА СУҒОРИЛИШИ ТАРИХИ
(XX асрнинг 50 – 70-йиллари мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tar332 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Комилов Ойбек Камилович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Обломуратов Наим Халимович
тарих фанлари доктори, профессор

Арслонзода Раҳматжон Арслонбоевич
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/31.03.2021. Tar.05.05. рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «3» декабрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19 уй, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-қават, мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz. Фарғона давлат университети).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (135 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. АРМ биноси). Тел.: (99873) 244-44-94.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «19» 11 даги 2 - рақамли реестр баённомаси)



Б.А. Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Н.О. Алимова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Р.А. Арслонзода
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ер юзидаги глобал иқлим ўзгаришлари ва экологик муаммолар оқибатида қишлоқ хўжалигида илгари кузатилмаган янги қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан ер-сув ресурсларини бошқаришда тежамкорона технологияларни қўллаш, қурғоқчилик билан боғлиқ бўлган хавфларни олдини олиш муаммоларини ўрганилиши долзарб масала сифатида қайд этилмоқда. Айни ҳолат дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидаги қишлоқ ва сув хўжалиги илмий марказларида ирригация-мелиорация тарихи, экинларни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш орқали экспорт учун юқори қийматга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларини ўрганиш бўйича муайян даражада изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда халқаро ва минтақавий муносабатларда изчил давом этаётган глобаллашув шароитида озиқ-овқат, ер-сув танқислиги, табиий сув ресурсларидан меъёрдан ортиқ фойдаланилиши ҳамда экологиянинг бузилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб бориш зарур вазифалардан бири бўлиб қолди.

Истиклол йилларида республика иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бўлган қишлоқ хўжалигида ислохотлар жараёни изчил давом этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бугунги кунда ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислохотларимиз барчага маълум»¹. Айни пайтда ХХ асрнинг 50-70-йилларида Ўзбекистон, қолаверса, Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг интенсив* эмас, аксинча, экстенсив* ривожланиш йўлидан боргани, ушбу жараёнларнинг совет ҳокимиятининг иккиёқлама аграр сиёсати билан боғлиқлиги, айниқса, 1953 – 1973 йилларда расман

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига // Халқ сўзи, 2019 йил 7 декабрь.

* Интенсив – қишлоқ хўжалигининг унумдорлигини ошириш ва уни самарали қилиш. Қаранг: Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Развитие ирригации в комплексе производительных сил Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975. Т.1. – С. 56; Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация ва мелиорация ишлари (1946-1964). – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 14.

* Экстенсив – қишлоқ хўжалигида сифатга эътибор берилмасдан фақат ер майдони ва ҳосил миқдорини кўпайтириш. Қаранг: Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Технический процесс в ирригации. – Ташкент: Фан, 1981. Т.4. – С. 46.

оммалашган Марказий Фарғонанинг кўриқ ва бўз ерлари*ни ўзлаштириш мақсадида аҳолини «ихтиёрий-мажбурий» тарзда кўчирилиши билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 апрелдаги ПҚ-4268-сон «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, «Обод қишлоқ» давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзуга оид тадқиқотларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1) совет ҳокимияти йилларида чоп этилган нашрлар; 2) мустақиллик даврида олиб борилган тадқиқотлар; 3) хорижий мамлакатларда яратилган адабиётлар.

Биринчи гуруҳга Марказий Фарғонадаги кўриқ, бўз ерларни ўзлаштирилишига бағишланган тадқиқотларни киритиш мумкин. Бу борада В.Заорская-Александрова, И.Александров, Н.Прохоров, Эл-Регистон (Габриэль Аршакович Уреклян), М.Яновский, В.Юсупов, М.Кузьмин, К.Наринский, С.Жалилов, А.Ғофуров²ларнинг изланишларида жануби-

* Кўриқ ерлар – узоқ йиллар давомида экин экилмаган, табиий ўсимликлар билан қопланган майдон бўлиб, у чўл, дашт ва ярим чўл, дарёбўйи, ботқоқ, сувсиз водий яйловлари каби асосий типларга бўлинади. Бўз ерлар – мунтазам экин экиб келинган, икки йил ёки ундан ортиқ давр мобайнида ҳайдалмаган ва фойдаланилмай қолиб кетган, аммо фойдаланишга ярқоқли ерлар ҳисобланади. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. – Б. 28.

² Заорская-Александрова В.В., Александров И.Г. Перспективы развития орошения в Фергане. – Москва: Ред.издат.ком.Нар.комиссариата земледелия, 1922. – 63 с.; Александров И.Г. Проект орошения Юго-Восточной Ферганы (Общая схема). Вып. – № 2. – Москва: Издательство Турк. Эконом. Совет. (ТЭС), 1923. – 234 с.; Прохоров Н.Д. Краткий обзор Ферганской ирригации в связи с пятилетним планом работ // Вестник ирригации. – Ташкент, 1925. – № 3. – С. 3-14; Яновский М. Северный Ферганский канал. – Ташкент: Сельхозгиз, 1940. – 30 с.; Юсупов В.У. Фархадская ГЭС (история строительства). – Ташкент: Госиздат, 1959. – 75 с.; Кузьмин М.И. Большой Ферганский канал // Гидротехника и мелиорация. – Москва, 1960. – № 3. – С. 1-9; Наринский К.М. Яшнаган кўриқ (Ўзбекистон меҳнаткашларининг Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тажрибалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1965. – 60 б.; Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.; Ғофуров А. Фарғона мелиораторларининг вазифалари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1981. – № 10. – Б. 55-57.

шарқий Фарғона ерларидаги суғориш истикболлари, Фарғона водийсидаги (Шимолий ва Катта Фарғона) ирригация каналларини барпо этилиши, бу ердаги кўриқ ерларни ўзлаштириш тажрибалари ўрганилган. XX асрнинг 80-йилларини иккинчи ярми, 90-йилларининг бошигача бўлган даврда Марказий Фарғона ирригацияси тарихига доир эсдаликлар ҳамда хотиралар яратилган. Хусусан, В.Пославский, Ҳ.Рустамов, И.Тўхтасинов, К.Расулов, Ш.Мурадуллаевларнинг Фарғона водийсидаги ирригация каналлари, Каркидон сув омбори қурилиши бўйича ўзларининг хотиралари нашр этилган³.

Иккинчи гуруҳдаги изланишларга бевосита мустақиллик йилларида Фарғона водийсининг суғорилиши тарихига доир нашр этилган тадқиқот ишлари киради. Жумладан, А.Рустамов, Ғ.Фозилов, Қ.Насритдинов, О.Комилов ва Т.Мамасолиевлар⁴нинг тадқиқотларида Марказий Фарғона кўриқ ерлари ўзлаштирилишига капитал маблағлар сарфланиши, Норин дарёсида Учкўрғон сув олиш тўғонини барпо этилишининг умумий жиҳатлари очиб берилган.

Учинчи гуруҳга кирувчи хорижий тадқиқотларда, жумладан К.Бишел, Б.Моселло ва Ф.Старр⁵ изланишларида Фарғона водийсидаги суғориш тизими, трансчегаравий муаммолар, сув омборлари ва уларнинг техник ҳолати тарихий-қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Мавзу тарихшунослиги таҳлили совет даври, истиклол йиллари мобайнида республика ва хориж тадқиқотларида 1950 – 1970-йилларда Марказий Фарғона кўриқ, бўз ерларининг ўзлаштирилиши тарихи махсус тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Кўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 6 (ҚДПИ ИК 2019.20.03) «Совет даврида Фарғона водийсидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1917 – 1990 йиллар)» мавзуси доирасида бажарилган.

³ Пославский В.В. Вода для большого поля: (Воспоминания). – Ташкент: Фан, 1986. – 90 с.; Рустамов Ҳ. Ҳаёт саҳифалари. – Тошкент: Мехнат, 1986. – 72 б.; Тўхтасинов И. Бунёдкорлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 70 б.; Расулов К., Мурадуллаев Ш. Главная артерия жемчужной долины. – Ташкент: Мехнат, 1990. – С. 40.

⁴ Рустамов А. Центральная Фергана. – Ташкент: Мехнат, 1995. – 46 с.; Фозилов Ғ. Водийнинг олмос камари. – Фарғона: Фарғона, 1996. – 58 б.; Насритдинов Қ.М. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихи (XIX аср иккинчи – XX аср биринчи ярми). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 223 б.; Комилов О.К. Марказий Фарғона кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 50 – 70-йиллари мисолида) // FarDU ilmiy xabarlar. – Фарғона, 2011. – № 4. – Б. 39-44; Мамасолиев Т. Бўзликлар, элим деганлар. – Тошкент: Turon-iqbol, 2012. – Б. 128.

⁵ Bichsel C. Conflict transformation in Central Asia. Irrigation disputes in the Ferghana valley. – London and New York: Routledge, 2009. – 164 p.; Шу муаллиф. Liquid Challenges: Contested Water in Central Asia // Sustainable Development Law & Policy 12. – Washington, 2011. Volume 1. – P. 24-30, 58-60; Mocello B. Water in Central Asia: A Prospect of Conflict or Cooperation? // Journal of Public and International Affairs. – New York, Volume 3, March 2008. – P. 151-174; Ferghana valley: the heart of Central Asia / edited by S. Frederick Starr. – USA: Armonk, 2011. – P. 411.

Тадқиқотнинг мақсади 1950 – 1970-йилларда Марказий Фарғонадаги кўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши тарихи, ҳудудда амалга оширилган суғориш-ўзлаштириш тадбирлари моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

совет ҳокимиятининг иккиёқлама аграр сиёсати таъсирида «пахта яккаҳоқимлиги-ўзлаштириш-кўчириш» тадбирларининг амалга оширилиши ва мазкур амалиётнинг айнан деҳқончилик учун қулай ҳудуд ҳисобланган Марказий Фарғонада пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани, ана шу мақсадда кўриқ, бўз ерларни ўзлаштирилиши масалаларини таҳлил қилиш;

Марказий Фарғона кўриқ ерлари ўрнида Бўз, Ёзёвон, Мингбулоқ ва Улуғнор районларига асос солиниши, колхоз ҳамда совхозларнинг ташкил этилиши, деҳқончилик маданиятини яхши билган республика аҳолисини бу ҳудудларга «ихтиёрий-мажбурий» тарзда кўчирилиши натижасида 10 дан ортиқ шаҳар типигадаги посёлкаларни, хусусан Бўз, Ёзёвон, Жомашуй ва Оқолтин каби шаҳарчаларнинг барпо этилишини очиб бериш;

тадқиқ этилган даврда Андижон, Наманган*, Фарғона вилоятлари ҳудудларида йирик гидротехник иншоотларнинг барпо этилишига капитал маблағлар сарфлашнинг ортиб бориши ва сув омборларининг атроф-муҳитга таъсирини кўрсатиб бериш;

ирригация-мелиорация соҳаларида етук тажрибали муҳандис-гидротехникларнинг аксарият кўпчилигини Марказий Фарғона вилоятлари маҳаллий аҳолиси таркибидан етишиб чиққани ва уларнинг Мозамбик давлати ирригация иншоотлари қурилишидаги фаол иштирокини тадқиқ этиш;

ўрганилган масалаларга доир истиқболли илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини XX аср 50 – 70-йиллари даврий чегарасида Марказий Фарғонадаги янги ерларни ўзлаштириш ишлари, ҳудудда амалга оширилган ирригация-мелиорация тадбирлари эволюция ва динамикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 1950 – 1970-йилларда Марказий Фарғонадаги кўриқ, бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва суғорилиши жараёнлари тарихи танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ушбу масала тарихийлик тамойилига амал қилинган ҳолда тадқиқ этилди. Тадқиқотда илмийлик, тарихийлик, қиёсий таҳлил (*comparative analysis*), муаммовий-даврий, объективлик, тузилмавий-тизимли таҳлил, оғзаки тарих (*oral history*) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX асрнинг 50 – 70-йилларида совет ҳокимиятининг Марказий

* 1960 йил 25 январда Наманган вилоятининг асосий қисми Андижон вилоятига, унга тегишли Поп райони эса Фарғона вилояти таркибига қўшиб юборилди. 1967 йил 18 декабрда Наманган вилояти қайтадан ташкил этилди (Манба: Андижон вилоят давлат архиви (бундан кейин – АВДА), 608-жамғарма, 1-рўйхат, 42-йиғмажилд, 23-варак.)

Фарғонада амалга оширган аграр сиёсати оқибатида янги ерларни ўзлаштириш айнан «пахта яккаҳоқимлиги-ўзлаштириш-кўчириш» тадбирлари орқали олиб борилгани, ушбу амалиёт ўзбек халқининг деҳқончилик маданиятига хос бўлган алмашлаб экиш тизимини бузилишига олиб келганлиги асослаб берилган;

Фарғона водийсидаги кўрик, бўз ерларни ўзлаштириш учун Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги деҳқончилик анъаналаридан хабардор бўлган аҳолининг пахта яккаҳоқимлиги таъсирида «ихтиёрий-мажбурий» тамойилига монанд равишда кўчирилиши ҳамда суғорма майдонлари ҳажмининг ортиши Бўз (ҳозирги Бўстон) ва Ёзёвон районлари ташкил этилишига сабаб бўлгани аниқланган;

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб пахта хомашёси сифатига эътибор берилмасдан, Марказий Фарғона (Улуғнор, Мингбулоқ, Ёзёвон районлари)даги суғорма майдонларнинг экстенсив тарзда орттирилиши, мелиорация тадбирларига беписандлик туфайли экин ерларининг шўрланиб, яроқсиз ҳолатга келганлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги истеъмолидан чиқиб кетганлиги далилланган;

суғориш-ўзлаштириш ишлари бўйича етук тажрибали муҳандис-гидротехникларнинг аксарияти водийлик мутахассислардан иборат бўлгани ва уларнинг тажрибасидан ирригация тизими оддий ҳолатда бўлган Мозамбик мамлакатада кичик сув омборлари (барражлар) қуриш, каналларни қайта таъмирлаш, кўриқ ерларни очишда фойдаланилгани асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Фарғона ҳудудларида амалга оширилган ўзлаштириш-суғориш чора-тадбирларининг айнан пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилгани, суғориш майдонларининг экстенсив равишда кенгайтирилиши оқибатида пахта яккаҳоқимлигининг янада кучайиши аниқ далиллар асосида очиб берилган;

Фарғона водийсида кўплаб сув омборлари, йирик каналлар, насос станциялари барпо этилиши оқибатида сув танқислиги, экологиянинг зарарланиши билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида тарих фанида эътироф этилган замонавий усул, ёндашувларнинг қўлланилгани, шунингдек, кўплаб тарихий адабиётлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларидан, тегишли архив ҳужжатларидан фойдаланилгани, хулосаларнинг аксарият қисми бирламчи манбаларга асослангани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Фарғонадаги кўриқ ерларни ўзлаштириш ва суғориш тадбирларининг бирламчи манбалар асосида ўрганилганлиги билан белгиланиб, Марказ аграр сиёсатида оид келтирилган тарихий маълумотлар, минтақада пахтачиликнинг экстенсив равишда

ривожланиши билан боғлиқ жараёнларни ҳаққоний тарзда ёритиш ҳамда водийдаги ирригация-мелиорация тарихи мазмун-моҳиятини чуқур англашга кўмак бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Фарғона водийсидаги ўзлаштириш ҳамда суғорма деҳқончилик маданиятига доир маълумотлардан ва илмий хулосалардан Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда ҳамда қайта шакллантиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1950 – 1970-йиллар даврий чегарасида Марказий Фарғона кўриқ ва бўз ерларининг ўзлаштирилиши ҳамда суғорилиши тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ҳамда таклифлар асосида:

совет ҳокимиятининг пахта яккаҳокимлиги сиёсати негизида Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Фарғонадаги ўзлаштириш ва суғориш ишларининг янада кучайиб боргани тўғрисидаги тадқиқот назарий хулосалари ҳамда бирламчи манбаларидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг жорий архивига тегишли бўлган «Сув хўжалиги тизимидаги сув омборлари тўғрисидаги маълумот»ни Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларида жойлашган йирик сув омборлари бўйича материаллар билан бойитишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 29 мартдаги 03/18-1336-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижасида йирик гидроиншоотларнинг водийда барпо этилиши ўз навбатида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, тиндирилган сув манбалари орқали экин майдонларини суғорилиши натижасида ерларнинг шўрланиши жараёнларининг келиб чиққанлигига оид илмий хулосаларни ойдинлаштирилган;

совет аграр амалиёти таъсирида Фарғона водийси қишлоқ хўжалигида сув етишмовчилигининг келиб чиққанлиги билан боғлиқ диссертация илмий натижаларидан Кўқон тарихи ва маданияти давлат музейининг «Совет даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» бўлимини қайта шакллантиришда ҳамда уни бирламчи манбалардаги ҳужжатлар, материаллар билан таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 01-12-04-6193-сон маълумотномаси). Натижада 1950 – 1970-йилларида республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Марказий Фарғонада пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг янада кучайиб боргани, ушбу амалиёт таъсирида сув танқислиги муаммосининг келиб чиққанлиги, аксарият экин майдонларининг пахта билан банд қилиниши аҳолини бошқа қишлоқ хўжалик ва дон маҳсулотлари борасида қатор қийинчиликларга дучор бўлганлиги билан боғлиқ бўлган тарихий билимлари ва тасаввурларини бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижасида олинган хулоса ва таклифлар 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та

халқаро ва 3 та республика миқёсидаги конференцияларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (улардан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилиниб, ишнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари кўрсатиб ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Совет давлатининг Ўзбекистонда олиб борган аграр сиёсати ва унинг Марказий Фарғонадаги ирригация-мелиорация ишларига таъсири**» деб номланган биринчи бобида совет ҳокимиятининг аграр соҳада амалга оширган иккиёқлама сиёсати ҳамда қишлоқ хўжалигидаги мазкур амалиётнинг икки томон, яъни Марказ ва Ўзбекистон манфаатларига қаратилганлиги, Марказий Фарғона пахтачилигини унга монанд тарзда ривожлантирилиши, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида ирригация-мелиорация, механизация ишларининг аҳволи бирламчи манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

Пахта яккаҳоқимлиги сиёсати негизида суғорма деҳқончилик учун қулай ҳудуд ҳисобланган Фарғона водийси ва унинг ўзаги бўлган Марказий Фарғонада пахтачиликни ривожлантиришга совет ҳокимияти томонидан муҳим эътибор қаратилди. Марказнинг бу ерда пахтачиликни ривожига йўналтирилган чора-тадбирларини амалга оширилиши натижасида ҳудудда пахтадан ҳосил олиш ҳажми ортди. Хусусан, 1950 йили Бўз райони ташкил қилинган дастлабки йилданоқ колхоз ва совхозлар томонидан пахтадан ҳосил олиш ва давлат томонидан белгиланган режани бажариш учун бир қатор ишлар бажарилди. Марказ томонидан юритилган иккиёқлама аграр сиёсат таъсирида райондаги бу хўжаликлар 4 557 га* пахта майдонининг ҳар

* га – гектар, бир га 10000 квадрат метрга тенг, ер майдонининг ўлчов бирлиги ҳисобланади. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2001. – Б. 596.

гектаридан 17,6 центнер* дан пахта етиштиришни ҳамда давлатга 8 015 т. пахта беришни режалаштирди. Амалда ҳар гектар ердан ўртача 17,4 ц пахта тайёрланиб, район бўйича жами 7 670 т. пахта топширилди ва режа 98,5 фоизга бажарилди⁶.

Собиқ Иттифоқ Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда «Пахтачиликни келгусида ривожлантириш учун ЎзССРнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди⁷. Бу қарор Марказий Фарғона ҳудудларида пахта яккаҳокимлиги сиёсати амалга оширилишининг янги босқичини бошлаб берди. Қарорда яқин 4-5 йил ичида, яъни 1953 йилдан бошлаб Марказий Фарғонада 65 минг га кўриқ ерни (шу билан бирга, ирригация тармоғида мавжуд бўлган 15 минг га қаровсиз қолдирилган ерларни) ўзлаштириш масаласи кўриб чиқилди. Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда водийдаги барча суғориш-ўзлаштириш ишлари пахта яккаҳокимлигига тўла маънода бўйсундирилди.

1953-1955 йилларда Наманган вилояти колхозларидаги кўриқ ерларни ўзлаштирувчи бригадалар сони 48 тани ташкил қилиб, янги ўзлаштирилиши режалаштирилган ерлар Дамкўл, Оккум, Момохон, Аччиқкўл, Қорақалпоқ, Мингбулоқ, Найман ва Бўз массивларида жойлашганди⁸. Бу ерлар ўзлаштирилганидан сўнг ҳар бир массив 1,5-1,6 минг га тегишли майдонга эга бўлди, 30 дан ортиқ янги колхозлар ташкил этилди. Янги ерларнинг 30 минг гектарга пахта экилиб, ҳар гектардан 8-10 центнергача ҳосил олинди⁹. Бу кўрсаткич юқорида кўрсатилган массивларда кейинги йилларда ҳам аста-секин ортиб борди. Айнан XX асрнинг 50-йилларида Фарғона водийсининг марказий қисмида 42 400 га кўриқ ҳамда шудгор ерлар майдонида ҳосил етиштириш режалари амалга оширилди. Бироқ, белгиланган мазкур режалар водий ҳудудларидаги барча хўжаликларда тўла бажарилмади. Масалан, совет ҳокимиятининг ҳудудда пахта етиштиришни кенгайтиришга қаратилган босими натижасида 1953 йилдан кўплаб колхоз ва совхозлар белгиланган квоталарини бажара олмади¹⁰. Бу режалар уддаланмаслигининг асосий сабаби Марказнинг ҳудудлар имкониятини ҳисобга олмасдан режаларни ҳаддан зиёд белгилаши ва уларнинг қисқа муддатда бажаришни талаб этиши эди.

Пахта ҳосилдорлигини янада ошириш мақсадида Андижон вилоятида чигитни квадрат-уялаб экиш усули йўлга қўйилди. Натижада 1956 йил бу ерда 2 860 минг т. пахта тайёрланди, 1 300 га майдондан 22 центнердан ҳосил

* центнер – қисқартмада ц. (немисча zentner, лотинча centum «юз» дан олинган) 100 килограммга тенг вазн ўлчов бирлиги. Қаранг: Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. Технический процесс в ирригации. – Ташкент: Фан, 1981. Т 4. – С. 48.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилояти бўлими (бундан кейин – ЎЗР ПАА АВБ), 155-жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 19-варак.

⁷ Фарғона вилоят давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 14-варак.

⁸ Наманган вилоят давлат архиви (бундан кейин – НВДА), 275-жамғарма, 1-рўйхат, 1341-йиғмажилд, 3-варак.

⁹ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 14-йиғмажилд, 3-варак.

¹⁰ Ferghana valley: the heart of Central Asia / edited by S.Frederick Starr. – USA: Armonk, 2011. – P. 149.

олинди (1955 йилга нисбатан 3 центнердан ортик)¹¹. Баъзи колхозлар бундан ҳам юқорироқ ҳосилдорликка эришди, бунда эса чигитни квадрат-уялаб экиш усули ҳамда уларни тизимли парваришлаш йўналишларидан самарали фойдаланилди. Масалан, Чортоқ районидаги «Москва» колхози 615 га ни икки хил йўналишда тайёрлаб, 38 центнердан, Олтинкўл районидаги «Коминтерн» колхози 500 га майдондан 37,3 центнердан, Тўрақўрғон районидаги «Киров» номли колхоз жами 628 га майдонни тайёрлаб, 37 центнердан, Пахтаобод районидаги «Ленин» номли колхоз 93 фоиз майдонни икки йўналиш бўйича тайёрлаб, 34 центнердан, Уйчи районидаги «Ворошилов» номли колхоз жами 1 215 гектарни тайёрлаб, 30 центнердан ҳосил олди¹². Шу йилда вилоят 158 минг гектардан 26,5 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 419 минг т. пахта топширди¹³. Водий худудида фақат пахтачиликни ривожлантирилиши аҳолини дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари борасида Марказга қарамлигини кучайтирди. Ана шу тариқа «Ўзбекистон (асосан, Фарғона водийси) Ўрта Осиё худудида энг йирик пахта етиштириб берувчи худуд бўлиб, у иттифоқни 60 фоиздан ортиқроқ пахта билан таъминлади»¹⁴. Буйруқбозликка асосланган бундай сиёсат Фарғона водийси худудларида қатъий тарзда изчиллик билан амалга ошириб борилди.

Иккиёклама аграр сиёсат негизида 1950 – 1960 йиллар мобайнида бир қатор мелиоратив тадбирлар, жумладан, Сўх-Исфара, Шимолий Бағдод, Ёзёвон, Шимолий, Аччиккўл коллекторларини қуриш натижасида ташлама сувлар Сирдарёга чиқариб юборилди. Худди шу даврда шундай сувларни асосий коллекторларга чиқариб юборадиган коллектор, шу билан бирга, ҳар гектар майдонга 20-22 м. дан мос келадиган айланма участка дренажлари қуришга тўғри келди¹⁵. Марказий Фарғона вилоятларида суғориш тармоқларини тозалаш ҳамда капитал қурилиш ишлари пахтачилик манфаати йўлида тобора оммалашиб борди. Жумладан, 1951 йил Фарғона вилоятида суғориш тармоғини тозалаш ишлари – 1 043,4 минг м³*, капитал қурилиш ишлари – 1 302,1 минг м³, колхозлараро тозалаш ишлари – 2 201,5 минг м³ ҳажмида бажарилди¹⁶. 1952 йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра, айнан шу вилоятда суғориладиган майдонларни кенгайтириш режа бўйича 73 000 га қилиб белгиланди, амалда 31 823 га ҳажмида бажарилди, тупроқ ишлари 11 333 минг м³ ҳажмида адо этилди¹⁷. Фарғона вилоятида 1956-1960 йилларда 18,76 минг га, 1961-1965 йилларда 17,48 минг га, 1966-1970 йилларда 15,13 минг га, 1956 – 1970 йиллар давомида жами 51,37 минг га суғорма ерлар истеъмолга киритилди. 1956 – 1970 йилларда вилоятда 62,05 минг га

¹¹ АВДА., 619-жамғарма, 1-рўйхат, 101-йиғмажилд, 69-варақ.

¹² АВДА., 619-жамғарма, 1-рўйхат, 101-йиғмажилд, 70-варақ.

¹³ Пахтакорларнинг бутуниттифоқ кенгашида // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 1958. – № 2. – Б. 1.

¹⁴ Spoor M. Agricultural Restructuring and Trends in Rural Inequalities in Central Asia: A Socio-Statistical Survey. Programme on Civil Society and Social Movements. – Geneva: UNRISD, 2004. – P. 7.

¹⁵ Ўзбекистон Миллий архиви (бундан кейин – Ўз МА), Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 15-йиғмажилд, 67-варақ.

* м³ – кубометр ҳажм ўлчов бирлиги ҳисобланади (Манба: <https://dic.academic.ru/>)

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Фарғона вилояти бўлими (бундан кейин – ЎзР ПАА ФВБ), 1-жамғарма, 9-рўйхат, 173-йиғмажилд, 18-варақ.

¹⁷ ЎзР ПАА ФВБ., 1-жамғарма, 9-рўйхат, 164-йиғмажилд, 41-варақ.

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди¹⁸. Андижон вилоятида 1950 йилда суғориш майдони 217 минг га, 1960 йилда 245,1 минг га, 1970 йилда 265,5 минг га, 1980 йилда 282,1 минг гектарни ташкил қилди¹⁹. Юқорида урғу берилган ирригация-мелиорация тадбирлари водийда Марказ пахтачилик манфаатларини қондириш мақсадида амалга оширилди.

1958 йилнинг 13 январида ЎзССР Министрлар Советининг «Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳамда республика бўйича ирригацион-мелиоратив ишларнинг бориши тўғрисида»ги қарори қабул қилинди²⁰. Унга, асосан, 1958 йилда суғориш тармоғини вегетация (ўсиш) суғоришига тайёрлаш бўйича олиб борилган ишлар ҳолати, ювиш ва захира суғориши бўйича ўтказилган тадбирлар умумий таҳлил қилинди. Республика бўйича 1958 йил 5 январь ҳолатига кўра, суғориш тармоғини тозалаш ишлари 58,5 фоизга, Фарғона вилоятида 45 фоизга, Андижон вилоятида эса 43 фоизга уддаланди. Шу билан бирга, ушбу режадан 68,2 фоизи механизмлар ёрдамида, 44,3 фоизи эса кўл кучи билан бажарилди. Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда 1961 йил 1940 йилдаги бутун республикада ишлаган экскаваторлардан 10 баравар кўпроқ, 1950 йилдагига нисбатан 1972 йилда 26 баравар кўпроқ экскаватор иштирок этди. Скрепер, ариқ қазувчи механизмлар, ер қазиш машиналарининг сони бир неча бараварга ортди²¹.

Катта Андижон ва Катта Наманган каналларининг қурилиши муносабати билан ер қазувчи машиналар сони 1973 йилда 3 165 тагача кўпайди. Тиркалма механизмлар (бульдозерлар, скреперлар, грейдерлар) сони 1961 йилдаги 608 тадан 1972 йилга келиб 3 085 тага етди. Шунингдек, тракторлар, ариқ қазувчи машиналар, автокранлар ва бошқа машиналар сони ҳам анча ошди. Тиркалма механизмлар сони 1953 йилдагига нисбатан 1972 йилда қарийб 30 бараварга ўсди. 1953 – 1973 йиллар мобайнида Марказий Фарғонада механизациялашган усул билан 96,5 фоиз, ёки бир йил давомида ўрта ҳисобда 33 104,3 минг м³, шу жумладан, юқоридаги рақамларга мувофиқ равишда экскаваторлар билан 101,9 фоиз ёки 18 064,5 минг м³ тиркалма механизмлар воситасида 92,5 фоиз ёки 15 293,3 минг м³ ҳажмда тупроқ қазиш ишлари бажарилди. Айнан таъкидлаб ўтилган йиллар давомида ҳудудда жами 682,3 млн м³ ҳажмида тупроқ қазиш ишлари уддаланди. Натижада Фарғона водийсидаги суғориладиган ерларни сув билан таъминлашга қаратилган ирригация-мелиорация тармоқлари ва гидротехник иншоотлар 1970 йилда Норин ва Қорадарёдан бир сонияда ўртача 660 м³ дан сув олиш ҳамда уни водийнинг далаларига қайта тақсимлаш имконини берди. Қарийб 19 йил давомида (1953 – 1972 йиллар) Марказий Фарғона ва тоғолди ҳудудларидаги 138,1 минг га майдоннинг ирригацион-мелиоратив ҳолати яхшиланди. Хусусан, «Ферганаводстрой», «Андижанводстрой» ва

¹⁸ ЎзР ПАА ФВБ., 1-жамғарма, 258-рўйхат, 471-йиғмажилд, 13-варақ.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жорий архиви (бундан кейин – ЎзР СХВНҚИТХБ), 57-жамғарма, 1-рўйхат, 381-йиғмажилд, 46-варақ.

²⁰ АВДА., 619-жамғарма, 1-рўйхат, 101-йиғмажилд, 62-варақ.

²¹ Шамсутдинов Ф. 30 лет водного хозяйства УзССР (1924 – 1954 гг.). – Ташкент: Госиздат, 1955. – С. 53.

«Наманганводстрой» трестлари ҳамда вилоятларнинг суғориш бошқармалари 1953 – 1972 йиллар мобайнида 1 634 039 м³ ҳажмда ер қазиш, бетон ва темир-бетон ишларини амалга оширдилар, шундан 650 526 м³ Фарғона, 833 821 м³ Андижон, 149 692 м³ Наманган вилояти ҳиссасига тўғри келди²². Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, Марказий Фарғона ҳудудларидаги хўжаликларда ҳосилдорликни орттириш бўйича агротехника тадбирлари ва катта ҳажмда суғориш-ўзлаштириш ишлари олиб борилди. Бунинг оқибатида Фарғона водийси собиқ Иттифокнинг йирик пахта хомашёси базасига айлантирилди.

Ишнинг «**Марказий Фарғонада янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва пахта яккаҳокимлигининг янада кучайиши**» деб номланган иккинчи бобида Марказий Фарғона кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши ва суғорма ерлар мелиорацияси ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари ҳудудларидаги ўзлаштирилган ерларда янги пахтачилик район, колхоз ва совхозларга асос солиниши ва унинг оқибатлари баён қилинган.

Совет ҳукумати Марказий Фарғона кўриқ ерларини ўзлаштириш ишларини оммалаштириш мақсадида суғориш иншоотларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратди. Бу ирригация тадбирларига КПСС XIX съезди СССР халқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича 1951-1955 йилларга мўлжалланган Директиваларда ҳам алоҳида урғу берилиб, мазкур съезд резолюцияларида, жумладан, бундай дейилган: «... Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларида, Марказий Фарғона, Кубань-Егорлик системаси, Ўртатўқай сув омбори ва Катта Чу канали районларида суғориш системалари қуриш ишлари давом эттирилсин»²³. Шу тариха ҳудуддаги кўриқ ерларни ўзлаштириш ҳамда уларни суғориш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар янада жадаллашди. Шубҳасиз, мазкур ишларнинг тобора ортиб бориши иттифокнинг пахтачилик манфаатларига тўла мос келарди.

Совет ҳокимиятининг Марказий Фарғона чўлини ўзлаштиришга қаратилган тадбирлари аста-секин кенгайиб борди. 1952 йил 16 ноябрдаги ЎзКП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРнинг Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида пахтачиликни янада ривожлантириш учун ерларни суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, Марказий Фарғонанинг 65 000 га кўриқ ерларини суғориш ишлари кўриб чиқилди²⁴. Шу жумладан, Ёзёвон ва Қизил Тигин чўллари бўйича – 30 000 га, Улуғнор канали тизими бўйича – 6 000 га, Охунбобоев номли канал тизими бўйича – 14 000 га, бундан ташқари, водийдаги яна 15 000 га майдонни эгаллаган кўриқ ва қаровсиз ётган ерлар ташкил этди.

Совет давлатининг иккиёклама аграр сиёсати «пахта яккаҳокимлиги-ўзлаштириш-кўчириш» тарзида намоён бўлди. Ана шу амалиёт таъсирида 1952 йилда чўл ҳудудларидаги ўзлаштирилган янги ерларга Андижон,

²² Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – Б. 49.

²³ КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. III қисм. – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – Б. 635.

²⁴ АВДА., 608-жамғарма, 1-рўйхат, 932-йиғмажилд, 31-варак.

Фарғона ва Наманган вилоятларидан 2 060 та деҳқончилик анъаналарини яхши билган колхоз оилалари «ихтиёрий-мажбурий» тарзда кўчириб келтирилди²⁵. Таъкидлаш лозимки, кўчириб келтирилган оилалар Марказий Фарғона вилоятларида пахтачиликни тараққий эттиришга, районларни ташкил қилишга, хусусан, Ёзёвон, Жомашуй, Бўз ва Оқолтин каби шаҳар типигаги посёлкаларни барпо этишга муҳим ҳисса қўшдилар. Бироқ, баъзи ҳудудларга кўчирилган оилалар қатор ижтимоий зиддиятлар, тоза ичимлик суви ва электр энергияси танқислиги муаммоларига ҳам дучор бўлди.

1953 йил 1 январига ҳолатга кўра, водийдаги ўзлаштирилган кўриқ ва бўз ерлар умумий майдони 173,2 минг гектарни ташкил қилди, шундан Фарғона вилояти бўйича – 89,6 минг га, Андижон вилояти бўйича – 83,6 га ер ўзлаштирилди. 1953 йилдан 1963 йилнинг 1 январигача Марказий Фарғона ерларидан 33 281 га тайёрланиб, колхоз ва совхоз ўзлаштирувчиларига берилди, 26 632 га эса банд қилинди. Фарғона вилояти ҳудудида ерларни ўзлаштиришга 11 та кўчма колхоз ва 10 та совхоз ҳамда 64 та кўчма бригада ташкил қилинди.

1954 йил 13 сентябрда ЎзКП МҚ ҳамда ЎзССР Министрлар Совети «Марказий Фарғонада янги ва партов ерларни* оқилона ўзлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»²⁶ги қарорни қабул қилди. Унга кўра, партия ва совет ташкилотлари зиммасига Марказий Фарғонадаги ўзлаштириш ишларини жадаллаштириш вазифалари кўйилди. Қарорда, шу билан бирга, «Узгипроводхоз» томонидан тузилган схемада ҳудудда янги ўзлаштирилган ва суғориш учун яроқли бўлган қарийб 174 минг га майдон белгиланиб, схемага асосан ўзлаштириш, мелиорация ишлари ҳажми орттирилди. Маълум бўлишича, республика олий органлари Марказнинг пахта ҳосилдорлигини ошириш амалиётини тўла маънода қўллаб-қувватлади.

1959 йил 3 августда ЎзКП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг «1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада кўриқ ва бўз ерларни суғориш ҳамда ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди²⁷. Қарорга мувофиқ, Марказий Фарғона ҳудудларини сув билан таъминлашни янада ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида маълум ишлар бажарилди. Жумладан, «водийда қишлоқ хўжалиги истеъмолига 36 минг га дан ортиқроқ бўз ва қаровсиз ётган ташландиқ ерлар киритилди, 250 км дан ортиқроқ автомобиль йўллари қурилди, 22 та колхоз посёлкалари барпо қилинди»²⁸. Шу йилнинг 9 ноябрида юқоридаги қарорга мувофиқ Андижон вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси «1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада кўриқ ва бўз ерларни суғориш ҳамда ўзлаштириш тўғрисида» буйруқ эълон қилиб²⁹, Марказий Фарғонада 1959-1965 йиллар мобайнида янги ўзлаштириладиган 24,8 минг га ерни тайёрлаш юзасидан бажариладиган

²⁵ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 2-варақ

* Партов ерлар – экин экилмай ташлаб қўйилган ер ёки қаровсиз қолдирилган майдонлар. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2003. – Б. 698.

²⁶ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 87-йиғмажилд, 64-варақ

²⁷ НВДА., 317-жамғарма, 1-рўйхат, 1421-йиғмажилд, 48-варақ.

²⁸ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 59-йиғмажилд, 24-варақ.

²⁹ АВДА., 619-жамғарма, 1-рўйхат, 140-йиғмажилд, 203-варақ.

топширикларни районлар бўйича тасдиқлади. Шу жумладан, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари партия кўмиталари ва ижроия кўмиталари, ЎзССР Давлат режа кўмитаси, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Марказий Фарғона ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича Колхозлараро совети томонидан 1959-1965 йилларда Марказий Фарғонада 97 минг га ерларни суғориш ва ўзлаштириш, шу жумладан, Фарғона вилоятига 46,2 минг га, Андижон вилоятига 24,8 минг га, Наманган вилоятига 26,0 минг га ажратиш бўйича таклифлари маъқулланди ва уни бажаришга қарор қилинди³⁰. Водийдаги янги ерларни ўзлаштириш ишларига тегишли вазирликлар ва мутасадди идоралар жалб қилинди.

Марказнинг пахтачилик манфаати мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, республика, қолаверса, Фарғона водийсидаги кенг ҳажмдаги кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, ўзлаштирилган ҳудудларда пахтачиликка ихтисослашган янги район, колхоз ва совхозларга асос солинди. Ўзлаштирилган майдонларда ташкил этилган колхоз ва совхозлар пахта яккаҳоқимлиги таъсирида пахта етиштиришни экстенсив тарзда орттириб борди. 1954 йил 29 сентябрда ЎзКП МҚ ва ЎзССР Министрлар Советининг «Марказий Фарғонада янги ва партов ерларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³¹ги қарорни қабул қилди. Қарорда таъкидланишича, колхоз аъзоларининг самарали меҳнат фаолияти туфайли Марказий Фарғонадаги янги ва партов ерлари хўжалик жиҳатидан ўзлаштирилди ҳамда бу ерда ирригация-мелиорация ишлари ўтказилди. Шу билан бирга, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги колхозлар Бўз, Момохон ва бошқа массивлардаги кўриқ ерларни ўзлаштирадилар ҳамда пахтадан юқори ҳосил олишга эришдилар. Марказий Фарғонада кўчма колхозлар 1953 йилда пахтадан қуйидагича ҳосил олди: Бўз районидаги «Киров» номли кўчма колхоз – ҳар гектардан 25,3 ц, Холдевлонбек районидаги «Ленинчи» кўчма колхоз – 26,4 ц, Задарё районидаги «Гигант» кўчма колхоз – 30,3 ц ҳосил йиғиштирди. Марказий Фарғонада янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Бўз, Задарё ва Ёзёвон маъмурий районларига асос солинди ҳамда 10 та машина-трактор станциялари ташкил этилди.

Совет ҳокимиятининг кўчириш сиёсатида монанд равишда водий чўллари ўзлаштирилишига аҳолининг сафарбар этилиши натижасида янги колхоз, совхозлар тузилди. Масалан, 1953 йилдан 1963 йилгача бўлган 10 йил мобайнида республикадан Фарғона водийсидаги бўш ётган ерларга кўчириб келтирилган аҳоли ҳисобидан 16 та колхоз ва 2 та совхоз ташкил қилинди, фойдаланиш учун 72,4 минг га ер тайёрланди³². Кўриниб турибдики, водийдаги ўзлаштирилган ерлардаги колхоз ва совхозлар сони аввалги йилларга нисбатан анча ортди.

1960 йил 14 январдаги Ўзбекистон КП МҚ ва ЎзССР Министрлар

³⁰ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 59-йиғмажилд, 26-варақ.

³¹ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғмажилд, 52-варақ.

³² Турсунов С. Мустабид тузумнинг аграр сиёсати (1946-1965 йиллар). – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 29.

Советининг «1959-1965 йилларда Наманган вилояти колхоз ва совхозлари ўртасида суғориладиган ерларнинг ўсишини тақсимлаш тўғрисида»³³ ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ЎзССР сув хўжалиги вазирлиги томонидан капитал қурилиш, режа-молия бошқармалари зиммасига 1959-1965 йилларда Марказий Фарғона кўриқ, бўз ерларини суғориш режасига мувофиқ Наманган вилоятида мазкур йиллар мобайнида колхоз ва совхозлар зиммасига суғориладиган ерларни ўсишини таъминлаш ҳамда амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар юклатилди. Жумладан, вилоятда суғорма майдонлар ҳажми жами 26 000 га, ундан колхозлар бўйича – 19 700 га, совхозлар бўйича – 6 300 гектарни ташкил қилди (жами Марказий Фарғона бўйича – 97 000 га бўлиб, ундан колхозлар бўйича – 67 100 га, совхозлар бўйича – 29 900 гектардан иборат бўлди).

1963 йилда Фарғона вилоятидаги кўриқ ерларни ўзлаштирувчи колхоз аъзолари учун 10 дан ортиқ посёлкалар қурилиб, уларда 2 150 та турар-жойлар ва 85 та маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқаришга мослашган бинолар, жумладан, 6 та мактаб, 10 та болалар боғчалари ва яслилар, 6 та тиббиёт пунктлари ва касалхоналар, 7 та ҳаммом, 13 та дала шийпонлари, 28 та турли ишлаб чиқариш бинолари барпо этилди³⁴. Бу ердаги барча посёлкалар артезиан қудуқлари, электр энергияси ва радио билан таъминланди, умумий узунлиги 240 км га тенг вилоят ва республика аҳамиятига молик бўлган автомобиль йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Фарғона водийсида кейинги йилларда ҳам кўриқ ерларни ўзлаштирилишига ҳам алоҳида урғу берилди. 1962-1970 йилларда Марказий Фарғонада 89 600 га кўриқ ерлар ўзлаштирилди, унинг 38 550 га колхозлар томонидан, 51 050 га эса совхозлар кучи билан амалга оширилди³⁵. Шунингдек, пахта топшириш режаси колхоз ва совхозлар томонидан мунтазам равишда бажариб келинди.

XX асрнинг 70-йилларида Фарғона водийсидаги совхозлар сони аста-секин ўсиб борди. Хусусан, Марказий Фарғонанинг Охунбобоев районидаги «Солижонобод» номли совхози 1978 йилда ташкил этилди, унга 720 га экин майдони бириктирилди ва хўжаликда асосан пахта етиштирилди³⁶. Фарғона водийсида асос солинган колхоз ва совхозларда асосан пахта етиштирилди ҳамда улар аввало Иттифоқ корхоналарини хомашё билан таъминлашга хизмат қилди. Таассуфки, пахта яккаҳокимлиги негизида кўриқ ерларни ўзлаштириш ишларининг экстенсив усулда олиб борилиши, ўзлаштирилган майдонларда пахта майдонларини муттасил кенгайтириш сиёсати оқибатида йирик экологик муаммо – Орол фожиаси келиб чиқди. Жумладан, «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда суғориладиган ерлар майдонининг 1960-йиллардан бошлаб тўхтовсиз кенгайтирилиши (кейинги 35 йил мобайнида Орол ҳавзасида 3 млн гектардан ортиқ майдон ўзлаштирилди), йирик магистраль

³³ Ўз МА., Р.2483-жамғарма, 1-рўйхат, 1494-йиғмажилд, 340-варак.

³⁴ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 12-йиғмажилд, 58-варак

³⁵ ФВДА., 1151-жамғарма, 1-рўйхат, 87-йиғмажилд, 66-варак.

³⁶ Тўхтасинов И. Бунёдкорлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – Б. 38.

канал ва коллекторларнинг қурилиши, улкан сув омборларининг бунёд этилиши регионда мавжуд бўлган дарёларнинг жиловланишига олиб келди»³⁷. Орол экологик мусибати оқибатида бир қатор ижтимоий муаммолар келиб чикди, аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалди. Хуллас, пахта яккаҳоқимлиги амалиёти таъсирида Марказий Фарғонада янги ерлар ўзлаштирилиб, пахта майдонларига айлантирилди ҳамда янги районлар ва посёлкаларга асос солинди. Шу билан бирга, ўзлаштирилган майдонларда пахтачилик хўжаликларининг ташкил қилиниши пахта ҳосилдорлигини ортиб боришига таъсир кўрсатгани баробарида ҳудудда пахта яккаҳоқимлиги сиёсати янада кучайиб борди.

Тадқиқотнинг учинчи боби **«Марказий Фарғонада ирригация-мелиорацияни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳамда суғориш иншоотларининг барпо этилиши»** деб номланган. Ушбу бобда Марказий Фарғона сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар сарфлашнинг ортиб бориши ва йирик гидроиншоотларнинг бунёд этилиши, водийда ирригация-мелиорация соҳаларига доир мутахассис кадрларнинг тайёрланиши ва муҳандис-гидротехникларнинг хорижий давлатлар суғориш-ўзлаштириш ишларидаги фаолияти очиб берилган.

